



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil “ 16” fevral

Қ-87 -son

Termiz sh.

**Бойсун туман “Ғайрат” массиви худудидан
“ENTER ENGINEERING Pte Ltd”
компаниясига ажратилган ер майдонини
қисман туман ҳокимлиги захирасига қайтариш
тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,36 моддаларига асосан, “ENTER ENGINEERING Pte Ltd” компаниясининг 2020 йил 13 ноябрдаги 34/01-142-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 11 сентябрдаги Қ-439-сон қарори билан Бойсун тумани “Ғайрат” массиви худудидан “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” Газкимёкомплекси қурилиши учун “ENTER ENGINEERING Pte Ltd” компаниясига ажратилган жами 35,2 гектар ер майдонидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1022қ, 1027қ ва 1028қ-дала контурларидаги “Қурилиш монтаж ишларини бажариш мақсадида вақтинча бино-иншоотлари қурилиши” учун ажратилган 22,5 гектар суғориладиган экин ер ва 0,7 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари Бойсун тумани ҳокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 11 сентябрдаги Қ-439-сон қарорининг 2-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бойсун тумани “Ғайрат” массиви худудидан “ENTER ENGINEERING Pte Ltd” компанияси ҳисобига туман ҳокимлиги захирасидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1036қ ва 1037ақ-дала контурларидаги 12,0 гектар тупроқ унумдорлиги 37 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони “Қурилиш монтаж ишларини бажариш мақсадида вақтинча бино-иншоотлари қурилиши” учун (3 йил муддатга) вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин”.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахмонов) 22,5 гектар суғориладиган экин ер майдони Бойсун тумани ҳокимлиги захирасига қайтариб олинаётганлиги сабабли, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида ҳисобланган 115 733 512 (бир юз ўн беш миллион етти юз ўттиз уч минг беш юз ўн

икки) сўм Давлат тўлов қоплама қийматини “ENTER ENGINEERING Pte Ltd” компаниясига тўлаб берилишини ёки келгусида ажратиладиган ер майдонлари учун қоплама қийматини ҳисоблашда инобатга олинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ер майдони қайтариб олиниши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов